

ANNOUNCEMENT

Dear Professors and Teachers!

We cordially invite you to our open lesson which is going to be holding on the **5th of MAY** on the theme **“SELECTING FRAMEWORK FOR LESSON PLANNING”**. Looking forward to seeing you in **Room – 412 at 10:00 group 743-19**

Teacher: T.Ravshanova

А.Қодирий номли ЖДПИ чет тиллар факультети инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси **Т.Равшанованинг** очик дарси муҳокамаси

БАЁННОМАСИ

05.05.2022 Қатнашдилар:

Кафедранинг барча аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1.Инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси Т.Равшанованинг май ойида ўтказган очик дарси муҳокамаси.

Кафедра йиғилишида кафедра катта ўқитувчиси Т.Равшанованинг 2022 йил 5 май куни 743-19 гуруҳида 2 - жуфтлик 412-хонада, Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси (Дарсни режалаштириш) фанидан “SELECTING FRAMEWORK FOR LESSON PLANNING” мавзуси юзасидан олиб борган очик дарс муҳокамаси бўлиб ўтди. Кафедра мудирини А. Жабборова сўзга чиқди ва очик дарс ҳақидаги ўз фикрини баён этди: Мен катта ўқитувчи Т.Равшанованинг 5- май куни Чет тилларни ўқитишнинг интеграллашган курси (Дарсни режалаштириш) фанидан ўтказган очик дарсида иштирок этдим. Дарсда 17 нафар талабанинг барчаси қатнашди. Ўқитувчининг очик дарсга тайёргарлиги талаб даражасида, Хемис тизимида фанга оид мажмуа ва ресурслар киритилган. Очик дарс давомида Хемис тизимидан фойдаланиб, талабаларнинг давомати аниқланди ва барча талабалар бахоланди.

Бундан ташқари ўқитувчи мавзуга оид бўлган турли хил слайдлар, видео ёзувлар, кўргазмалар ва тарқатма материаллардан ҳам кенг фойдаланди. Т.Равшанова ўзининг кўп йиллик педагогик маҳоратини кўрсатган ҳолда, талабаларга нисбатан талабчан кафедра ўқитувчилардан биридир. Ўқитувчи дарсни қизиқарли олиб бориш учун, интерфаол усуллардан кенг фойдаланди. Дарс жуда мазмунли, қизиқарли ва муҳокамалар асосида ўтказилди. “SELECTING FRAMEWORK FOR LESSON PLANNING” мавзусида ўтказилган очик дарсда, ўқитувчи талабаларга дарсда турли хил босқичларида активитилардан фойдаланишни кенг ёритиб берди.

Шундан сўнг кафедра катта ўқитувчиси Д.Сафарова ҳам сўзга чиқиб, нотик ўз фикрини қуйидагича билдириб ўтди:

Дарснинг бошланиш қисмидан охирига қадар, барча талабалар ўз билим ва креатив ижодларига таянган ҳолда, мавзунинг мазмуни жихатидан

якка, жуфт, гуруҳларга бўлинган ҳолда турли ҳил машқлар ва интерактив ўйин технологияларини бажардилар. Очиқ дарс жуда қизиқарли ўтди. Ўқитувчи томонидан очиқ дарснинг тўғри режалаштирилганлигини, режа бўйича амалга оширганлигини ҳамда ўқитувчи мавзунини талабаларга тушунтириш борасида тўлиқ мақсадга эришганлигини инобатга олиб очиқ дарс талаб даражасида ўтилди деб баҳолайман.

Кафедра катта ўқитувчиси Т.Равшанованинг “SELECTING FRAMEWORK FOR LESSON PLANNING” мавзусида ўтказган очиқ дарсини муҳокама этиб, кафедра йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Кафедра катта ўқитувчиси Т.Равшанованинг “SELECTING FRAMEWORK FOR LESSON PLANNING” мавзусида ўтказган очиқ дарси талаб даражасида эканлиги эътироф этилсин ҳамда “аъло” баҳога муносиб деб топилсин.

Факультет декани:

проф.А.Маматов

Кафедра мудири:

А.Жабборова

Котиба:

Д.Хайдарова





